



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 23-iyul, shanba,
84 (23.651)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Фикр билдирувчи
кўпайгани билан
бир хулосага келиш
йўли топилмаса, у
демократия эмас,
бошбошдоқликдир

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz | https://www.facebook.com/zarnews.uz | @zarnews_uz | https://twitter.com/zarnews_uz

Нафақат рақам ёки салмоққа, сифатга ҳам эътибор зарур

22 июль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи саккизинчи сессияси ўтказилди. Сессияни Кенгаш котибияти мудри З.Каримов бошқарди.

Дастлаб депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 ноябрдаги "Ургут" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида "Ургут" эркин иқтисодий зонаси учун ажратилган янги ҳудудларнинг бош режалари тасдиқланди. Вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилиниб, вилоят бюджетининг 2022 йил иккинчи чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тадбирлар учун ажратилган маблағлар миқдори белгиланди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бошқармаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизларнинг жамиятидаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари З.Раҳмоновнинг Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг вилоятдаги ижроси юзасидан ахбороти тингланди.

Таъкидлашчида, бугунги кунда вилоят қисмида раҳбарлик лавозимларида қарийб 9 минг нафар хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Бошқарув лавозимларидаги хотин-қизларнинг улуши 30 фоизга, партияларда 27 фоиз, олий таълимда 16 фоиз ҳамда тадбиркорликда 35 фоизга етган.

Ахборотни тинглар экан, депутатлар маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар масалаларининг малакасини ошириш, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, соғлигини тиклаш, уларга кўрсатилаётган психологик хизматлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан аниқ ва манзилли чора-тадбирларни белгилаш юзасидан таклифларини билдирди.

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Абилов Президентининг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид вилоят дастури" ижроси тўғрисида ҳисобот берди.

Кейинги тўрт йилда вилоятда 27,3 минг гектар тоқзорлар ва 15,3 минг гектар боғлар барпо қилиниб, 25,1 минг гектар ерлар ўзлаштирилди, - деди Ф.Абилов. - Жумладан, шу йил охиригача 3,2 минг гектар боғ ва 4,7 минг гектар тоқзорлар барпо қилинади.

Биргина Қўшработ туманида лалми ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига 7,5 минг гектар тоқзорлар барпо қилинди. 2023 йилга бориб, туманда ҳосилли тоқзорлар майдони 10,1 минг гектарга етади. Ушбу майдонлардан ўртача 167,8 минг тонна узум, 15 мингга яқин иш ўрни, 30 миллион доллар экспорт ва 850 миллион ард сўм даромад олиш имкони яратилади.

Келгуси йилдан картошка импорт қилинмайди. Шу пайтгача 400-500 тонна импорт қилинган. Бу амалиётга чек қўйиш учун Жанубий корейлик олимлар билан айнан ўзимизда вилоят иқлимга мос 23 минг тонна супер элита

навлари яратилмоқда. Аҳамиятлиси, картошкдан одатдаги Тойлоқ ёки Булғунур туманларида эмас, балки Паст Дарғом ва Оқдарё туманларида ҳам юқори ҳосилдорлик кузатилади.

- Мева-сабзавот уруғчилиги соҳасини ривожлантириш мақсадида "ИН-витро" лабораторияларининг кўпайтирилиши оқибатида бозорларимизда бемаза маҳсулотларнинг салмоғи ошиб кетди, - деди депутат Р.Холмуродов. - Фақат юқори ҳосилдорликкагина урғу беравермасдан, сифатга эътибор бериб, бободехонларимиздан қолган эски навларни ҳам сақлаб қолиш чораларини кўриш лозим.


Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ш.Байхўровнинг автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш борасидаги ҳисоботи қизгин муҳокама қилинди. Депутатлар маърузачига фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш билан боғлиқ саволлар берди.

Самарқанд шаҳри ҳамда вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарлари марказларидаги йирик, серкатнов чорраҳаларни рақамли бошқарув тизимига ўтказиш, йўл-ҳаракат қоидаларига риоя қилиш юзасидан тарғибот тадбирларини кучайтириш, вилоят маҳсулоти экспортига монтаж қорхонасини зарурий техника воситалари билан таъминлаш учун белгиланган тартибда маблағлар ажратиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Депутатлар вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Алимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ҳисоботини ҳам танқидий муҳокама қилди. Бугунги кунда вилоятда ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари устидан қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг назорат ишларида кўплаб муаммолар борлиги таъкидланиб, раҳбардан изоҳ сўралди. Изоҳдан қаноатланмаган депутатлар ҳисоботни кейинги сессияда қайта эшитишга қарор қилди.

Шунингдек, сессияда вилоятда давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларининг I ярим йилликдаги ижроси юзасидан вилоят молия бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.



Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори

Самарқандда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг "Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори" VI Халқаро конгресси бошланди.

Ўзбекистон Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда ўндан ортиқ халқаро ва бешта миллий ташиқлотлар кўмағида ташкил этилган конгресснинг биринчи куни "Ўзбекистон маданий мероси замонавий илм-фан диққат марказида" мавзусидаги халқаро илмий конференция ўтказилди.

Унда 35 дан ортиқ давлатдан келган шарқшунос олимлар Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари маданий меросига оид маърузалари билан иштирок этди.

Конференцияда "Ўзбекистон маданий мероси

жаҳон тўпламларида" лойиҳаси таҳрир ҳайъати раиси, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти раиси Фирдавс Абдухаликов, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти бошқаруви аъзоси, Мило музейининг махсус ходими (Япония) Сергей Лаптев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Баҳром Абдухалимов, Туркия Фанлар академияси президенти Музаффер Шекер, Ўзбекистон Ислоҳ цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров ва бошқалар конгресснинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдирди.

- Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга бағишланган лойиҳа мамлакатимиз маданий меросини тадқиқ этишда муҳим


аҳамиятга эга, - деди Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Баҳром Абдухалимов. - Бир неча йил олдин бошланган лойиҳа юртимиз тарихига қизиқувчи дунёдаги 500 нафардан ортиқ шарқшунос олимларни ўзида бирлаштирди. Шу кунгача Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти конгрессининг бештаси муваффақиятли ўтказилди. Уларнинг асосий қисми хорижий давлатларда ташкил қилинган бўлса, олтинчи конгресс кўриб гувоҳи бўлаётганимиздек, юртимизда юқори савияда ташкил этилмоқда. Бугунги кунгача мамлакатимиз маданий меросига боғлиқ элликта китоб-альбом нашрдан чиқарилган эди. Булардан юртимиздаги манбалардан ташқари, дунёнинг турли давлатларида сақланаётган ноёб манбалар киритилган.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

Самарқанд фақат >>> Кун мавзуси

РЕГИСТОНДАН ИБОРАТ ЭМАС

Ёхуд ер юзининг сайқали
туристик салоҳиятига бир назар



Самарқанд - тарихи бир неча минг йилларга бориб тақаладиган кутлуғ маскан. Ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари, қадимий ва ҳамisha навқирон, алломаларга бешик бўлган замин, деган таърифу тавсифларга сазовор бўлган кент.

Дунёнинг исталган мамлакатига бориб, "Самарқандданман", деб айтсангиз, ўзгача ҳурмат ва ҳавас билан қарши олишади. Бу заминда бўлганини гапирди ёки бориш орзусида эканини айтади. Ана шундай пайтда бежиз Самарқанд инсон умри давомида бир марта бўлса-да, бориб кўриш шарт бўлган шаҳарлар қаторида эътироф этилмаганини англайсиз. Бўлмаса, дунёда мамлакат камми, шаҳарлар камми? Самарқанд ана шу минглаб шаҳарлар қаторида элликтдан биттаси. Бундан бир неча йил олдинги эътироф. Балки бугун Самарқанд йиғирмата, ўнга энг эътибордаги шаҳарлар қаторидадир. Майли, буниси ўз йўлига. Лекин айни

чоғда Самарқанд чиндан ҳам дунёнинг йирик маданият, маърифат, сиёсий мулоқотлар марказига айланмоқда. Табиийки, бу ерга келувчи сиёсий арбоблар, олим уламолар, сайёҳлар ҳар қачонгидан кўпайган. Мухими, улар борадиган манзиллар бугун фақат Регистон ва Шохизинда, Амир Темуру макбараси ва Ҳазрати Хизр масжиди, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий мажмуаларидан иборат эмас, ўнлаб, балки юзлаб объектлар бор. Уларнинг барчаси бориб кўришга, зиёрат қилишга ва завқланишга арзийди, диди нозик ҳар қандай инсонни ҳайратлантиради.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида Вирусология илмий-тегириш институти, Жанубий Кореянинг КОFН фонди ҳамда Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан "Республика ҳудудларида одам папилломаси вирусининг аҳоли ўртасида тарқалганлигини текшириш ва диагностикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ўтказиш масалалари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Вилоятда 10 минг нафар аёл скринингдан ўтказилади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё миқёсида 604 мингдан ортиқ аёлда бачадон бўйни саратони биринчи бор қайд этилади, шулардан 342 минг нафари ушбу касаллик оқибатида вафот этади.

Матбуот анжуманида таъкидлашчида, жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бу бача ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак бези саратонидан кейинги ўринда турадиган ва энг кенг тарқалган саратон хасталиги ҳисобланади. Касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича эса бача ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак бези ва ошқозон саратони тўғрисида ўлимдан кейин учинчи ўринда ва тўғрисидаги аёллар (15-44 ёш) орасида иккинчи ўринда туради.

Глобосан маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 1863 нафар аёлда бачадон бўйни саратони аниқланиб, уларнинг 42 фоиздан ортиғи вафот этади. Ушбу ўлимларнинг аксарияти ташхисни кеч қўйиш оқибатида рўй беради. Касалликни келтириб чиқарувчи сабабларнинг асосийси (98-99 фоизи) одам папиллома вируси (ОПВ) ҳисобланади.

Бу ҳар қандай ёшдаги аёлларда учрайдиган хавфли ва кенг тарқалган касалликдир. Касалликнинг авж олиши 45-55 ёшга тўғри келади. У тўлиқ олдидин олиш мумкин бўлган ягона саратондир. Сабаби аста-секин ривожланади.

Анжуманда таъкидлашчида, эпидемиологик вазият мониторингини олиб бориш мақсадида Вирусология илмий-тегириш институти ва Жанубий Кореянинг КОFН фонди билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилояти аёллари ўртасида одам папиллома вирусини аниқлаш ва бачадон бўйни саратони касаллиги диагностикаси бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳага кўра, Самарқанд вилоятида 10 минг нафар аёл скринингдан ўтказилади. Лойиҳа 2023 йилнинг декабрь ойига қадар давом этади.

Вилоят бўйича аёллар Самарқанд шаҳридаги бешта поликлиникада бепул скринингдан ўтказилади. Скрининг текшируви учун замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилган.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ТУРИЗМ ЙИЛ ДАВОМИДА

Шу пайтгача Самарқандда баҳор ва куз ойлари сайёҳлик мавсуми ҳисоблашарди. Сабабини сўрасангиз, бу вақтда ҳаво салқин ва саёҳат учун қулай бўлади, хорижликлар асосан, шу пайтни танлайди, деб жавоб беришарди. Аммо бу гапга ишонинг қийин, шундай гаплар билан ўзимизга тасалли берганмиз, холос. Шарқий Осиё мамлакатларида ёз ойлари биздаги каби жазирама бўлмайди, Европа ва Америкада қор ёғмайди, ёмғирлар мавсуми йўқми? Бор, албатта. Зиёрат учун, саёҳат учун ҳар бир фаслнинг ўзига яраша гўзаллиги, фойдалана олсангиз, қулайлиги мавжуд. Шу йилнинг баҳор ойлари эди. Ургутдаги Терсақ туризм қишлоғи ҳақида мақола тайёрлаш учун бу гўзал гўшага борганимизда франциялик сайёҳларни учратдик. Аксарияти кекса ёшли кишилар бўлгани учун "Ҳозир тоғларимизда кўп ёмғир ёғпти, бундай вақтда кўнгидагидек саёҳат ҳам қиллолмаётгандирсизлар?", деб сўрадик улардан.

– Биз шунинг учун саёҳатга келидик-ку, – деди улардан бири қутилмаганда. – Ўзбекистоннинг табиатини яхши биламиз, қолаверса, ҳозир қачон, қаерда, қандай об-ҳаво қулайлигини ҳам бир неча кун олдин билиш мумкин. Саёҳат учун фақат кўёли ёки салқин пайт бўлиши шарт эмас, Ўзбекистоннинг гўзал табиатидан ҳар қандай шароитда баҳра олиш мумкин.

Тўғри-да, тўрт фасли бирма-бир намоён бўладиган юртлар дунёда кўп эмас. Не бахти, Ўзбекистон ана шундай ўлка. Йилнинг тўрт фасли ҳам ўз вақтида, ўз ўрнида келади. Шунинг учун бугун юртимизда сайёҳликка мавсумий деб қараш тушунчаси йўқолмоқда.

Самарқанд фақат РЕГИСТОНДАН иборат эмас

Ёхуд ер юзининг сайқали туристик салоҳиятига бир назар



Йилнинг биринчи чорагида 1,2 фоиздан ошди. Албатта, бу ҳам катта рақам эмас, аммо бугун яратилаётган имконият ва шароитлар туфайли кўрсаткич ошиб бориши аниқ.

Пангат қишлоқларини туризм қишлоғига айлантириш ишлари қиришди. Мазкур туризм қишлоқларида бир қатор хизмат кўрсатиш турлари, яъни оилавий меҳмон уйлари, миллий таомлар тайёрлайдиган умумий овқатланиш шохобчалари, кулчилик, каштачилик каби хизматлар йўлга қўйилмоқда.

Экстремал туризм ёки сафар туризми йўналишида 5 та янги йўналиш ташкил этилди. Яъни, 22 километрлик "Самарқанд – Тарағай" йўналишида Амир Темур ғори-гача, 12 километрлик "Самарқанд-Шаршара" йўналишида экстремал тоғ туризми бўйлаб саёҳат қилиш мумкин. Бу йўналишларда альпинизм, тоғ бўйлаб пиёда юриш, велосипедда ҳаракатланиш имконияти яратилган.

Туризм кўчалари сонини янада кўпайтириш, сайёҳларга туну кун савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш бўйича ҳам аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда Самарқанд шаҳридаги Ислоҳ Каримов кўчасини шопинг туризм кўчасига, Бозоров кўчасини паб стрит кўчасига, Алишер Навоий кўчасини санъат ва туризм кўчасига айлантириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг марказий ва сайёҳлар кўп ҳаракатланадиган кўчаларида 30 дан зиёд FOOD TRUCK (кўчма овқатланиш шохобчалари) фаолияти йўлга қўйилди. Худди шундай кўчалар барча туман ва шаҳарларда ҳам ташкил этилмоқда.



Ўн йил олдинги билан таққосласак, фарқ жуда катта бўлиши табиий, яқин йилларга назар солайлик. Маълумотларга кўра, Самарқандга пандемиядан олдин, 2019 йилнинг биринчи ярмида 198 минг нафар хорижлик, 1 миллионга яқин маҳаллий сайёҳ келган экан. Бу йил эса 114 давлатдан 240 минг нафардан ортиқ чет эллик, 1 миллион 245 минг нафар маҳаллий турист келибди. Чет эллик сайёҳларнинг Самарқандда бўлиш кунлари уч йил олдин ўртача 2 кунни ташкил этган бўлса, бугун 2,6 кунга етди. Кўнлик харажати ўртача 100 АҚШ долларидан 152 долларга ошган. Маҳаллий сайёҳларда ҳам ана шундай ўсиш кўрсаткичларини кўриш мумкин.

Бу – шунчаки рақамлар эмас, албатта, унинг ортида қанча иш ўрни, қанча даромад, қанча сервис, инфратузилма борлиги соҳа иши билан таниш бўлганларга яхши маълум.

– Туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кейинги етти йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан 30 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди, – дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Р.Қобилов. – Бир қатор давлатлар фуқаролари учун виза тартиблари соддалаштирилди. Қўшни мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Туризм соҳаси вакиллари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Пандемия шароитида эса уларга қўллаб-қувватлаш ва энгилликлар берилди. Ана шу ишлар



натijasида пандемия чекловлари юмшатишга, туристик фирма ва компанияларимиз иш фаолиятини қийналмай давом эттирди. Соҳанинг иқтисодийдаги улуши тез суръатларда ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йил туризм хизматларининг вилоятимиз ялли ҳудудий маҳсулотидидаги улуши 0,8 фоизни ташкил этган бўлса, жорий

Кониғил қишлоғи туризм қишлоғига айлантирилиб, бу ердаги Сиёб ариғи атрофи обод қилинди ва эллиқдан ортиқ туристик хизматлар йўлга қўйилди.

Кониғилдаги тажриба ўзини оқлагач, Ургут туманидаги Терсақ, Пайариқдаги Чоштепа, Нурободдаги Оксой, Каттақўрғон туманидаги Андоқсой ва Қўшрабоддаги

ятида пандуслар ўрнатилиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун имкониятлар кенгайтирилган. Шунингдек, объектларда аудиогид, гид-таржимон, миллий либослар ижараси хизматлари йўлга қўйилди. Регистон майдонида маданий дастурлар, концертлар намойиш этилмоқда. Музейлар соат 22:00 гача фаолият кўрсатмоқда.

ЗАМОНАВИЙ АЭРОПОРТДАН КЎЧМА МАСКАНЛАР САРИ

БМТ халқаро туристик ташкилоти (UNWTO) маълумотига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси ўсиш суръати бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллаган. Бу албатта, сайёҳларга замон талабларига мос сифатли хизмат кўрсатишни, замонaviй инфратузилма яратишни тақозо этади.

Айни шу мақсадда 2018 йилда Самарқанд халқаро аэропорти кенгайтириш режалаштирилди. 2019 йилнинг июлида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан лойиҳа миқёси янада йириклашди. Аэропорт билан биргаликда Самарқандда замонaviй туристик марказ қуриш белгиланди.

Икки йил давомида Самарқанд аэропортида қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонаviй терминал биноси ҳамда янги учиб-қўниш йўлагига, замонaviй радиолокация тизими, 24 та самолёт ҳамда 700 автомобиль учун тураргоҳ барпо этилди. Иккита телескопик трап орқали 4 та самолётга чиқиш енгилари ҳозирланди.

Аэропорт янги терминалининг йўловчи ўтказиш қуввати соатига 1000 кишини ташкил этади. Мунтазам рейслар сони эса ҳафтасига 120 гагача етади. Айни пайтда мазкур аэропорт маҳаллий аҳоли ва хорижлик сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ислом оламининг қутлуг зиёратгоҳларидан бири саналган Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасини ҳам қайта қуриш ишлари давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу мажмуа буюк муҳаддис Имом Бухорий бобомизнинг муқаддас динимиз йўлидаги хизматларига муносиб тарзда бунёд этилмоқда. Бу ерда 10 минг ўринли масжид, 21 гектар майдонда улуг аجدодларимизнинг диний мероси ва моддий-маданий мерос объектларини акт этиривчи тематик хиёбон, 3 та меҳмонхона ва 24 та оилавий меҳмон уйларида иборат, шунингдек, 3000 нафар зиёратчиларга хизмат кўрсатуви "ҳалол" стандартига эга умумий овқатланиш корхоналари фаолияти йўлга қўйилиб, зиёрат туризми мажмуаси барпо этилди.

Президентимиз 15 июль кунини Самарқандга таширфи давомида ҳам мазкур объектида бўлиб, қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу ерда зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Самарқанд туманида жойлашган



Сайёҳларни кўпроқ жалб қилишининг яна бир усули оммавий сайил ва фестивалларни кўпайтиришдир. Бу борада йил якунига қадар 12 та йирик тадбир, жумладан, 1 та ярмарка, 5 та фестиваль, 2 та спорт тадбири, 2 та кўргазма танлови, 1 та карнавал ҳамда ешлар ва зиёрат туризми ҳафталиги тадбирлари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу тадбирлар белгиланган вақтда ўтказиб келинмоқда. Масалан, Наврўз умумхалқ байрами кунларида Самарқанд шаҳрида "Қабоб фестивали", Жомбой туманида "Улоқ кўпқари" мусобақаси, Ургут туманида "Миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси" ўтказилди. Йил якунига қадар "Самарқанд нон сайли", "Анжир сайли" каби тадбирлар кўзда тутилган.

Вилоятга таширфи буюрувчи саёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида яқинда Самарқанд халқаро аэропортида енгил автотранспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш хизмати жорий этилди. Ушбу хизмат доирасида ўнга яқин "Volkswagen" ва "Mercedes-Benz" русумли электромобиллар хорижий туристларга ижарага берилмоқда. Алишер Навоий кўчасининг Университет хиёбони билан кесишган қисмида велосипед тўхташ жойи ва ижара хизмати ташкил этилди.

Вилоятдаги сайёҳлар кўп борадиган 26 та музей ва маданий мерос объектларида ҳам сайёҳлар учун муносиб шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ушбу объектларнинг аксар-

ешкак эшиш канали атрофида 260 гектар майдонда янгидан бунёд этилаётган "SILK ROAD SAMARKAND" туристик мажмуаси ҳам бугун Самарқанддаги энг йирик ва асосий қурилиш объектларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда сўнгги пардозлаш ва худудни ободонлаштириш ишлари давом этаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 353 миллион долларга баҳоланмоқда. Яқин кунларда очилиши режалаштирилган кўп тармоқли сайёҳлик мажмуаси нафақат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиё учун замонaviй мажмуага айланиши, маданий, гастрономик, тиббий ва ишбилармонлик туризми объектларини бирлаштириши кўзда тутилмоқда.

Умуман, айни чоғда Самарқанд вилоятида туризм соҳасида 365 та янги лойиҳа амалга оширилмоқда ва уларнинг ишга тушиши билан 15 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Иш ўрни шунча бўлганидан кейин, бу масканлар хизмат кўрсатадиган туристлар сонини тасаввур қилаверинг.

Бугун Самарқанд жаҳон туризм марказларидан бирига айланмоқда. Бу банд-парвоз гап эмас, реал ҳақиқат. Буни халқаро ташкилотлар эътироф этмоқда, дунё аҳли Самарқандга интилоқмоқда. Самарқанд том маънода ер юзининг сайқалига айланди, дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

Самарқандга хуш келибсиз!

Ғолиб ҲАСАНОВ, Алишер ИСРОИЛОВ (сурат).

Бизнинг суҳбат

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасида Бош қомуснинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш киритиш ҳамда 6 та янги модда (прим-модда) қўйиш тақлиф этилмоқда. Асосий қонунимизнинг олий юридик қучга эга ҳужжат бўлишини таъминлайдиган конституцион ўзгартишларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясига таъсири борми? Умуман, бугун бу соҳадаги ўзгариш ва ангилликлар нималардан иборат?

КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР

инсон ҳуқуқлари ҳимоясида қандай кафолатлар беради?

Шу ва бошқалар ҳақида "Аман" адвокатлар ҳайъати адвокати Маҳматқул Шукуров билан суҳбатлашдик.

– Асосий қонунга "Ҳар бир шахс адвокат ёрдамидан ўз танловига кўра ҳамда жиноят процессининг ҳар қандай босқичида фойдаланиш, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деган 26-1 модда қўйиш тақлиф этилапти, – дейди М.Шукуров. – Яъни, бу билан шахс ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ички ишлар идоралари ихтиёрида бўлиб қолмаслиги кафолатланапти.

Аслида, ҳуқуқ-тартибот органларининг қайси бирида бўлмасин, томонларни, албатта, биринчи навбатда, муражаатчини эринмасдан тинглаш, реал ҳолатни сўраб-суриштириш керак. Шунда сиз иш бўйича тўлиқ тасаввур ҳосил қиласиз, тингловчи эса дарадини эшитганингиз учун сиздан рози бўлади. Адвокатларда шу жараёндан кейин муражаатчининг ҳуқуқий муаммосини қонун нормалари билан асослантириб, тегишли идораларга ариза, илтимоснома ёки шикоят ёзиб берасиз.

Айтмоқчи бўлганим, қайси соҳада бўлмасин, процессуал қонунчилик ва уни амалиётда қўллаш бўйича етарли тажриба ва кўникма талаб этилади.

– Адвокатларнинг обрўсини кўтариш, жамиятда ўрнини ошириш борасидаги ҳаракатлар ҳақида айт-япсиз. Умуман, сўнгги 5-6 йилда фаолиятларингиз билан боғлиқ қандай аргументлар ўзгаришларни айта оласиз?

– Аввало, сиз айтаётган муддатда муҳит ижобий тарафга ўзгарганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айнан давлатимиз раҳбари соҳага оид бир қатор ҳужжатларни имзолади. Пировадидида касб тақозосига кўра, йўлларимиз "кесилмаган" барча идораларда адвокатларга муносабат олдингидан анча яхшиланди.

Аслида, қайси соҳада бўлмасин, аввало, муносабат соҳа самарадорлиги, унинг ижобий имиджи шаклланишида муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз. Беvosита соҳага оид энг муҳим ўзгаришларга келсак, адвокатлик сирининг маҳфийлиги таъминланганидан бўлди. Бу каби мисолларни яна кўплаб санаб ўтиш мумкин.

– Лекин шунга қарамай, "чўнтак адвокатлари" аф-суски, ҳамон соҳадаги муаммо?

– Менга қолса, бунга давр, мавжуд вазият "имкон" яратган, деб айтган бўлардим. Аммо бу муаммо яқин орада бутунлай барҳам топади, деб ишонч билан айта оламан. Бунга давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 майдаги қарори тўла асос бўла олади. Чунки қарорга кўра, келгуси йилдан "Юридик ёрдам" ахборот тизими ишга туширилади. Бунда тизим давлат томонидан адвокат тайинлаш жараёнини автоматлашти-ради. Инсон омили аралашувининг олди олинди, адво-катлар ишда қатъий рўйхат бўйича иштирок этадиган бўлади.

Яна бир гап. Конституциямизнинг 116-моддасига ҳам фаолиятимизга оид янги таҳрир киритилмоқда. Ўзгартиш-га кўра, қайд қилинган моддада "Адвокат шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди", деб белгилаб қўйилди.

– Маҳматқул ака, шу ўринда bevосита Конститу-цион ислохотларга муносабатингизни айтиб ўтсан-гиз. Чунки ҳамон бу жараёни тўла тушунмаган-лар, унга ишончсизлик билан қараётганлар учраб турибди.

– Ҳар биримиз Асосий қонунимиз ўзгармас, мутлақ ҳуж-жат эмаслигини англаб етишимиз керак. Агар шундай бўл-маганида унда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби белгиланмаган бўларди. Қолаверса, амалга оширилаётган ҳар бир иш bevосита ана шу тартибга асосан бўляпти. Яъни, ҳеч бир эътирозга, шикоятга ўрин қолаётгани йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим – киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аввало, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини олий даражага кўтариш учун қилинапти. Биргина мисол, адвокатура билан боғлиқ битта прим модда киритилаётган бўлса, яна битта модда янги таҳрирда белгиланмоқда.

Шуларнинг ўзини узоқ шарҳлаш, халқимиз манфаати учун нечоғлиқ муҳимлиги тўғрисида гапириш мумкин. **Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.**

Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Олтинчи конгресс доирасида яна ўн та ана шундай китоб-альбом тақдироти ўтказилди.

Умуман олганда, конгрессни ўтказишдан мақсад юртимиз маданий меросини чуқур ўрганиш, ундан фойдаланган ҳолда мамлакат тарихида бошланган янги давр илм-фани, инновацион ривожланишини янги босқичга кўтаришдан иборат. Шу боис олтинчи конгресс "Ўзбекистон маданий мероси - янги Ренессанс пойдевори" деб



номланган. Ўйлайманки, лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар Учинчи Ренессанс учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Конгресс доирасида "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" (51-60 жилд) туркумидаги 10 та янги китоб-альбомнинг тақдироти бўлиб ўтди. 25 дан ортиқ давлатдан 350 нафар олимлар томонидан дунёга машҳур 100 кутубхона ва музейлар китоб-альбомлари асосида ишланган тўплам 60 жилдга етди.

- Биз Россия кутубхоналарида Ўзбекистон китоб маданияти ёдгорликларига оид фондларимизни юксак кадрларимиз, - дейди Россия кутубхоналари ассоциацияси президенти, Россия давлат оммавий-тарихий кутубхона-си директори Михаил Афанасьев. - Уларнинг рус маданиятига таъсири яхши биламиз ва шу сабабли ушбу ёдгорликларни тўплаш ва ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаёмиз. Ўзбекистон маданий меросини ўрганишга бағишланган лойиҳани юксак баҳолаймиз. Лойиҳа доирасида кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда. Албатта, олтинчи конгрессда тақдим этилаётган сўнгги ўрганишлар натижалари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Конгрессда дунёга машҳур 250 дан ортиқ шарқшунос олимлар, жумладан, 33 нафар машҳур халқаро музейлар директорлари, 15 нафар миллий музейлар директорлари, 6

нафар халқаро ташкилотлар вакиллари, 15 нафардан ортиқ академиклар, 20 дан ортиқ профессорлар, 20 нафар фан доктори иштирок этмоқда. Улар томонидан икки кун давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари маданий меросига бағишланган 100 дан ортиқ маърузалар тингланиши кўзда тутилган.

- Истанбул кутубхоналарида Алишер Навоийнинг ноёб асарлари қўлёзмалари нусхалари сақланмоқда, - дейди Туркия элчихонаси маданият ва туризм маслаҳатчиси Алпарслан Акинжи. - Ушбу қўлёзмалар Ўзбекистон маданий меросини тадқиқ этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Шу боис бу асарлар лойиҳадан ўрин олган. Умуман олганда, бизнинг тарихимиз бир-бирига узвий боғлиқ. Шундай экан, ушбу лойиҳада муносиб иштирок этишимиз лозим, деб биламиз.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг "Ўзбекистон маданий мероси - янги Ренессанс пойдевори" VI Халқаро конгресси давом этмоқда.

Алишер ИСРОИЛОВ.

Моҳир педагог, қўли енгил шифокор эди...

Хотира



Хаётда шундай инсонлар борки, ўз касби ортидан эл-юрт ичиде ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Таниқли олим, моҳир педагог, қўли енгил шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Самиев Ўткир Басирович ана шундай инсон эди.

Ўткир Самиев 1952 йилда Самарқанд тумани Хай-мари қишлоғида туғилган. У 1976 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институти (ҳозирги Самарқанд давлат тиббиёт университети) даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади.

1976-1979 йилларда клиник ординатор, Самарқанд тумани тиббиёт бирашмаси врач-терапевти бўлиб ишлади. Ўткир Басирович 1980-1983 йилларда институт аспирантурасида таҳсил олди. Сўнгра ассистент, даволаш факультети декани ўринбосари сифатида иш фаолиятини давом эттирди.

Ў.Самиев 1993-1998 йилларда институт 1-ички касалликлар

кафедраси доценти лавозимида меҳнат қилди. У 1998-2006 йилларда институт маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори сифатида фаолият кўрсатиб, ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Устоз 2006 йилдан ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, 2011 йилдан бугунгача мазкур кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатиб, талабаларга сабоқ берди.

Ў.Самиев 1986 йилда номзодлик диссертациясини химия қилди. Шунингдек, 200 дан ортиқ илмий ишлар чоп эттирди. 15 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, 14 та ихтиро ва 3 та монография муаллифи бўлди.

Олим илмий ишларда фаол бўлиб, республика, МХД ва Европа давлатларида ўтказилган кўплаб нуфузли конференцияларда иштирок этди.

У инсонпарварлиги туфайли вилоят ва шаҳар жамоатчилиги ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Меҳрибон ота, оилапарвар инсон сифатида икки нафар фарзандни тар-

биялаб, хаётда муносиб ўрнини топишларида суянч бўлди.

Ў.Самиев 1979-1980 йилларда Афғонистондаги жангларда хизмат қилгани учун "Афғон халқи номидан миннатдорлик" кўкрак нишони, вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг "Фахрий ёрлик"лари билан тақдирланди.

Ўткир Самиев атрофидагиларнинг муҳаббати ва ҳурмати сазовор бўлган, бўлажак ёш шифокорларнинг доимий маслаҳатгўйи, меҳрибон ва самимий инсон эди. Афсуски, бугун устоз орамизда йўқ, уминг унинг панд-насихатлари, порлоқ хотираси қалбимизда яшайди.

Зайниддин НОРМАН.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган қўшма мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1	Бўш турган ишлаб чиқариш заводи бино ва иншоотлари	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Иштихон тумани "Чақар" МФЙ	0.75	84.65	458 700 000	22.08.2022 й.	22.08.2022 й.
2	Бўш турган бино ва иншоотлар	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Каттакўрғон шаҳри "Қўшқуву" МФЙ	0.86	3016.1	3 223 400 000	22.08.2022 й.	22.08.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим

ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатиде аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади. Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш"

сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифи тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаш иштирокчи аукцион қолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига қолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади. Савдолар натижалари бўйича қолиблик баённомаси Дав-

лат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг қолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй.

Давлат активларини бошқариш агентлиги

Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат

активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини

мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12

Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа:

Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт:

samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2017 йил 26 майда 521067 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAMARQAND-TRAMVAY» масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи: «SAMARQAND-TRAMVAY» МЧЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 144-уй. Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304911699.

Самарқанд шаҳридаги «FAROH SVEETS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 309223070) ўз устав фондини 700 000 000 (етти юз миллион) сўмдан 200 000 000 (икки юз миллион) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Қудратов кўчаси, 1-боши берк кўча, 8-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Эргашев Нематуллога (2003 йил 24 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Шарипова Темирган (1998 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева

Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Қулдашева Сожида Николаевнага (2008 йил 11 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Одилова Гулбустон Саимовага (2021 йил 11 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Одилова Гулбустон Саимовага (2021 йил 16 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Одилова Гулбустон Саимовага (2021 йил 21 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Очилнов Норбойга (2021 йил 21 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу

муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Раҳматов Аҳмад Хикमतовичга (2021 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Амридинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасида марҳум Сулаймано Фарман Исламовичга (2020 йил 21 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Амридинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасида марҳум Шарофов Сухроб Хасановичга (2021 йил 20 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Чукур йўл кўчаси, 9-"Б" уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Бобоев Мурод Дўрақуловичга (2022 йил 23 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун

мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Ларионов Ринат Радиковичга (2021 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Ларионов Ринат Радиковичга (2021 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Ларионов Ринат Радиковичга (2021 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Ларионов Ринат Радиковичга (2021 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Ларионов Ринат Радиковичга (2021 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Ўткир РАҲМАТ

Ватан сийрати

Тонг — аслида нурнинг элчиси, Муждаларин элтар субҳидам. Гўё инар осмон ҳур қизи, Ишқни жойлаб юракларга ҳам. Ахир, нурдан тилаклар бунёд, Умиримизга бағишлагай шон. Токи нур бор яшнагай ҳаёт, Токи нур бор масрурдир инсон.



Эркалайди ҳар сахар мени, Еруғ, порлоқ ниятлар билан. Шу нурларда кўраман сени, Ўзинг асли зиёсан, Ватан!

Тоғу боғлар ичра адашиб, Яшаришдан жуфтлар яна сўз. Даралардан, қирлардан ошиб, Кўлам сепин айлайди кўз-кўз. Кенг борлиққа этганча ҳада — Этагидан тўқди гуллар. Гўзалликка дояман дея, Чақ-чақ ураб бунда булбуллар.

Яшаради борлиқ эрта-кеч, Ўнгу сўлинг бўлар гул, чаман. Ўша баҳор керилмасин ҳеч, Сен ундан ҳам аълосан, Ватан!

У сенмидинг ё йўқ, билмайман, Юрагимда ёнганда нола, Менга боқиб, майин жилмайган, Эй, кўнгли пок, қорақўз бола. Ҳаёлларда кездим сен ила Ўтказганча ҳар хуш онимни. Ўша куни сездим сен ила Ташвишларим аритганимни.

Илк оталик туйғуси янглиғ, Қалбим узра айладинг маскан. Болакайнинг кулгуси янглиғ Дардларимга шифосан, Ватан!

Таъриф йўқ дил давронларига, Қалбдан тошар бир хушхаволар. Шодмон кунлар ўланларига Жўр бўлади жўшқин дарёлар. Шундай гўзал, сокин замонда, Сенга ҳавас қилиб ушбу кун — Тошиб ётар Сайхун бир ёнда, Бир томонда пишқираб Жайхун.

Қани, олға, тўлавер кучга, Самони куч мисоли саман. Қанча-қанча дарёлар ичра, Сен энг тошқин дарёсан, Ватан!

Водийларнинг сўлим чехраси, Юрагимга нақшланганда, Келиб сабо гулгун нафаси, Осмон кўзга яқинлашганда, Ширин-ширин орзулар билан Сувратингга боқаман масрур. Танҳо қолиб туйғулар билан Ич-ичмидан туюман ғурур...

Сендан бошқа бариси ёлгон, Ўзгасини ҳеч олмайман тан. Билсанг, кўксим ичида сайрон Бир булбулгўёсан, Ватан!

Сайқаланиб борар ҳар гўша, Қишлоғу кент сўлим, гўзал жой. Қуёш чиқар нурларин тўшаб, Оқшомлари ҳавасдадир ой.

2022 йил 19 июль.

Бир куни ёш раҳбар ўз фаолиятдан нолиб қолди:

- Куйиб-пишиб ишлайман, тиним билмайман, катталар буюрган ҳамма ишни уддалашга интиламан, лекин нуқул камчилик топишади...

Мен ундан "қатъий тутумингиз, иш услубингиз борми?" деб сўрадим. У табиийки, иш режаси мавжудлиги, ҳар ҳафта ходимларидан топшириқларни сўраб туришини айтди. Бу тутум эмас, хизмат вазифасини бажариш йўлидаги ҳаракат эканлигини айтиб, ундан шахсий иш режасини, яъни ўз иш вақтини қандай тақсимлашни сўрадим. Афсуски, бундай тартибдан хабари йўқ экан. Ёш раҳбар "Газета-журнал ўқийсизми, замонавий раҳбарлик услубларини қузатасизми?" деган саволимга ҳам аниқ жавоб бера олмади. Кейин унга ҳар бир раҳбар иш вақтини тўғри тақсимлаши, ҳеч бўлмаганда, бир ҳафталик иш фаолиятини аниқ белгилаб олиши зарурлигини тушунтирдим. Бундан ташқари, топшириқни ижро муддатидан сал олдин сўрашни ўрганиши, кундалик фаолиятини мониторинг қилиб бориши ва ҳар қандай ҳисоботга

Тутуми йўқда унум бўлмайди

тайёр туришини таъминлашни айтдим. "Тутум" деган сўзни кўпчиликка тушунарли бўлсин учун иш услуби, шакланган тартиб-интизом деб изоҳласак, маъқул деб ўйлайман. Тутум - ўйлаб, режа асосида қилинадиган иш жараёни. Тутум уйда, оилада шаклланади. У ҳудди фаросат каби ота-онадан, наслдан ўтадиган одат. Уни илм, диплом билан ўрганиб, ўзлаштириб бўлмайди. Келинг, фикримиз исботи учун ён-атрофимизда кўриб турганларимизга бир назар таштайлик. Меҳмонга борганда, дарвозадан киргандан ҳовли ёки уйдаги саранжом-саришталликка кўзингиз тушади. Баъзан яқин орада супурги тегмаган ҳовли, дор ва дарахтга, устунга осиб қўйилган нарсалар, айниқса, ошхонада ювилмаган идиш-товоқлар ва улардан "таралаётган" ҳид таъбингизни хира қилиши табиий. Сиз беихтиёр уй эгаси ва бекасининг иш

тутумига баҳо берасиз. Дарвоқе, бизда келин танлашда энг аввало, у яшайдиган ҳовлининг супурги ва ҳокандозига қараб баҳо беришган. Чунки бу тутум ўша қизнинг келгусидаги ҳаётда ҳам амал қилишини билишган. Эркалар учун ҳам тегишли бу ҳол. Ота уйдагиларни оғохлантирмасдан меҳмон етаклаб келади. Хотини ва болаларини бесаранжом қилиб, уларга дарҳол дастурхон тузашни айтади. Уйда йўқ таомларни топиб келишни буюради, кийимларини дуч келган жойга ташлайди. Меҳмон шу хонадонга бенаврид келганига пушаймон қилади. Йўқ, бу тасодифий ҳол эмас. Дўстлар учрашиб қолганда самимий дийдордан хурсанд бўлиб, бирга келди, деб ўйланган. Бу - уйига меҳмон олиб келган кишининг тутуми. Энг ёмони, оиладаги тутум ҳамма ерда одамга ҳамроҳ бўлади. Шу сабаб-

ли ишхонаси сариштасиз раҳбарларни кўрсам, уларнинг рўзгордаги ҳолатини тасаввур қиламан. Ёки аксинча, атрофи обод ва чиройли идорага, шинам, озода иш хоналарга кирганда, ўша идора раҳбарининг отасига раҳмат дейман. Чунки уни ота-онаси болалагидан шу тартибга ўргатган. Ташкилотларда ҳам турлича ҳолга дуч келамиз. Айрим ходимлар иш кабинетининг ҳавосини тозалаб, стол устини йиғиштириб, эртанги режани ёзиб қўйиб, кейин уйига кетади. Айримлари эса аксинча, ўз ҳолича, ҳатто компьютерни ўчирмасдан хонани қулфлаб кетади. Тутумни ички интизом ҳам дейиш мумкин. Интизомсиз, яъни пала-партиш ёки фақат юқорининг топширигини бажариш учунгина елиб-югуриш эса ишда унум, ҳаётда барака бермайди. Фармон ТОШЕВ.

Турмуш чорраҳаларида

Фарзанд тарбиясига қачон эътибор қиламиз?

Қузатган бўлсангиз, кўпчилик ота-оналар рўзгор тебратиш учун ишда, кўчада ёки уйда бирор юмуш билан банд бўлади ва бола тарбиясига кам вақт ажратади. Фарзандига ёшлигидан эркинлик бериб, уларнинг хоҳлаган иш-ни қилишга имкон яратадиган ота-оналар ҳам топилади орамизда. Лекин бу эътиборсизлик ва эркинлик келажакда ота-оналар учун қимматга тушади.



Бир танишим каттароқ ташкилотда ишлайди. Ўзига тўқ. Битта ўғли бор. Шунинг учунми, ўғлининг истагини доим муҳайё қилади. Йигитчининг ҳам айтгани айтган. Агар истаги бажарилмаса, ота-онасидан аразаб, уйдан кетиш тараддудига тушади. Боланинг мактабда ўқитувчиларига, кўчада катталарга қилаётган муомаласи,

ўзини тутуши, умуман, юриш-туриши ҳам одобсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Маҳаллада кўпчилик боланинг ота-онасига фарзандининг ноурин хатти-ҳаракатлари учун танбەҳ бериб қўйишини айтганида, улар пинагини ҳам бузмасдан, "ҳали бола-да, шўх-ўйинқароқ, кейинчалик бу одати йўқолиб кетади", дея

бепарво бўлишарди. 15 ёшга тўлмаган бу эркатой бир куни отасининг машинасини кўчага олиб чиқиб, ўртоқларига мактангани етмагандек, энди ўзининг ҳам шахсий машинаси бўлишини хоҳлади. Аммо отаси фарзандининг ўлғайган сайин ҳаддидан ошаётганлигини билиб, унинг бу истагини қондирмади ва ўзининг машинасини ҳам бошқаришни таққиллади. Табиийки, истагани доимо муҳайё бўлган йигитчага бу ҳолат ёқмади ва ота-онасига жahl қилиб, уйдан кетиб қолди. Кечга яқин фарзандининг йўлига кўз тикиб ўтирган отага хабар келди. "Ўғлингиз машина ўғирлабди..." Хўш, ким айбдор? Ҳолат шу даражага етгунга қадар ота-она қаерга қаради? Нега боласининг тарбиясига вақтида эътибор бермади? Бола туғилганда одобли ёки одобсиз, яхши ёки ёмон бўлмайди. Фарзандининг яхши ёки ёмон бўлиб вояга етиши ота-онанинг тарбиясига боғлиқ. Жазо ё муқофотнинг соҳиби ҳам ота-онадир. Турди ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси.

Мутолаа




“Ёвузликлари билан ном чиқарган чаён оғир дардга чалинди. Бироқ унинг табиатини билгани учун ҳеч ким ундан ҳол сўрамади. Ниҳоят оғриқ азобига чидай олмаган газанда Яратганга илтижо қилиб, жонини олишни сўради. Ҳозир но-рмик бўлган Азроил унга сўнгги бор имкон бериб, ўлими олдиндан эзгу ният қилишга, қилган ёмонликлари учун тавба-тазарру қилишга ундади. Аммо у тавба қилиш ўрнига сўнгги машъум режасини амалга оширишни афзал билди.

“Китоб ўқиган бола”

У жон олувчидан навбатдаги қурбонини келтиришни сўради: Тилагим шул Азроил сенга: Битказиб бер чала ишимни. “Фалончи”ни чорла наздимга, Сўнгги бора санчай нишимни.” Бировга яхшилик қилишдан бебахра, бутун вужуди разолат билан заҳарланган кимсалар зарбулмасал қилинган бу ҳикоя болалар шоири Абдулла Нисорийнинг яқинда нашрдан чиққан “Китоб ўқиган бола” тўпламидан ўрин олган. Ушбу китобдаги шеърларда ижодкорнинг янгича ёндашуви, ибратли хулосалари ўқувчининг эътиборини тортади. Китобдаги мушоҳадага бой шеърли масаллар нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам тафаккурини бойитади, киши қалбига эзгулик уруғини қадайд. Шунингдек, китобда болаликка хос бегуборлик, самимият акс этган ҳикоялар, саргузашт қиссалардан парчалар берилган.

“Каттатуркнинг шифобахш кулгилари”

Пайариқлик ижодкор Қаҳрамон Бердиев Самарқанд давлат университети филология факультетини тугатиб, вилоятдаги турли таҳририятларда меҳнат қилди. У ҳам ижодда, ҳам ўқитувчиликда муваффақиятларга эришди.



Журналистлар уюшмаси аъзоси, халқ таълими аълочиси бўлган ижодкор-педагогнинг бугунгача 50 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари, илмий мақолалари, “Томирларда юғурди қон”, “Ҳаёт кўшиги”, “Табиблик аъмоли” ва “Сиз эшитган ва эшитмаган ажойиботлар” каби китоблари ўз ўқувчиларини топди. Ижодкорнинг “Каттатуркнинг шифобахш кулгилари” номли ҳажвий китоби ҳам кулгисевар китобхоналарга таниш. Ундан оддий одамлар турмуш тарзида учрайдиган, киши эътиборини тортувчи халқона хангомалар, қочирим ва ҳажвийлар ўрин олган.

Асқар БАРОТОВ.

Тонг ёришиб, зулмат ўз ўрнини қуёшнинг заррин нурларига бўшатиб бергач, булбулнинг овози атрофни қамраб ола бошлайди. Унинг хонишини тинлаган киши завқ олади, ҳузур топади.

УНИВЕРСИТЕТ ХИЁБОНИДА БУЛБУЛ БОР

Самарқанд давлат университети хиёбонида ана шундай хушовоз булбул бор. У ҳар тонгни жозибадор хониш билан кутиб олади. Мен ҳам унинг гўзал куйини эшитиб уйғонаман, сайр қиламан. Лекин булбулнинг ўзи кўринмайди. Балки шунинг учун ҳам унинг қадри баланд. Булбул ҳар куни бир вақтда сайрайди. Унинг овозини эса эрта тонгдан хиёбонга сайрга чиққан одам мароқ билан эшитилади. Абдушукр МУҲАММАДҚУЛОВ.

Самарқандда ёзги оромгоҳлар кўпайтирилади

Россия Федерациясида ёзги оромгоҳларнинг қамрови 30 фоизни, Беларусда эса 15 фоизни ташкил этади. Юртимизда, хусусан, вилоятимизда бу кўрсаткич 5-6 фоиздан ошмайди. Ўтган йилларда биргина Самарқандда ўндан ортиқ оромгоҳ хусусийлаштирилиб, ёпиб юборилган.



Буни Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган пресс-турда кенгаш раиси Сўҳроб Рафиқов маълум қилди. Унга кўра, айни кунда юртимиздаги барча оромгоҳларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Тизимда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус агентлик ташкил этиш кўзда тутилган. Вилоятимизга тўхталадиган бўлса, ҳозир ҳудудда 18 та стационар оромгоҳ ва 56 та соғломлаштирувчи майдонча фаолият юритмоқда. Жорий мавсум уларда 22 минг 370 нафар болани дам олдириб режа-лаштирилган. 18 июль ҳолатига 15 минг 423 нафар бола оромгоҳларга қабул қилинган.



— Бу вилоятимиз учун жуда кам кўрсаткич, — дейди Сўҳроб Рафиқов. — Касаба уюшмаларида кўпроқ болага йўлланма бериш имконияти бор, аммо оромгоҳларнинг ўзи санокли бўлса, нима қилайлик? Шу боис федерациямиз ташаббуси билан вилоятнинг сўлим масканларида янги оромгоҳлар ташкил этиш режа-лаштирилган. Жумладан, Қўшрабат ва Ургут туманларида бунга мос келувчи ҳудудлар бор. Ҳозир уларнинг лойиҳаси устида ишляпмиз. Мавзуга оид савол-жавоблардан сўнг журналистлар Самарқанд туманидаги “Дўстлик” ёзги соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти билан таништирилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги мазкур оромгоҳ 350 ўринга мўлжал-

Matbuot Uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: S.MARDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X QR code and publication details.